

Хоразмда янги масжид қурилади



14:20 / 16.09.2020 3043

Алҳамдулиллаҳ, юртимизда яна бир янги масжид бунёд этилади. Иншааллоҳ.


Ўзининг узоқ бир тарихига эга бўлган Хоразм вилоятининг Тупроққалъа туманида янги масжид қурилади. Бу ҳақда **Ўзбекистон мусулмонлари идораси Масжидлар бўлими маълум қилди.**

Масжид учун маҳаллий ҳокимлик томонидан туман марказидан 130 км узоқда жойлашган «Тупроққалъа маскани» маҳалласидан 60 сотих ер ажратилди. Хоразм-Бухоро вилоятлари чегарасида жойлашган Тупроққалъа маскани, Саримой, Нукус, Хазорасп маҳаллалари аҳлининг кўп йиллик орзулари ушаладиган бўлди. 9 минг аҳоли истиқомат қиладиган тўрт ҳудудда бирорта масжид йўқ эди, энг яқини Хазорасп туманидаги «Шайх Қосим бобо» масжиди бўлиб, 120 километр масофани

ташкил этади.

Куни кеча эзгу ният ва хайрли дуолар билан пойдевор учун тамал тоши қўйилди. Ибодат уйига шу жойда ўтов қуриб яшаб, халқ орасида маълум бўлган солиҳ бир зот шарафига «Ўтовли Эшон» номи билан берилди.

Image not found or type unknown



«Тупроққалъа туманида тўртта масжид бўлиб, асосан туман марказида жойлашган. Қурилиши режалаштирилаётган ушбу масжидга 5-10 йилдан буён эҳтиёж мавжуд эди. Тегишли рухсат асосида халқ ҳашари билан қурилиш ишларини бошлаймиз. Аллоҳ насиб этса келаси йили Рамазон ҳайитига битказишни режалаштираёғимиз», дейди вилоят бош имом-хатиби Хайруллоҳ домла Абдуллаев. Ибодатгоҳ Хоразм меъморчилик анъаналари асосида замонавий талаблар уйғунлигида барпо этилади. Хонақоҳ 160

кишига мўлжалланган бўлса, ҳовли ва атроф саҳнлари билан 250 га яқин
намозхонни сиғдиради.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Масжидлар бўлими